



# «БАРКАМОЛ АВЛОД»: ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК,



## ЙИЛИГА ЕТТИ МИЛЛИОН

Мамлакат миқёсида ўтказиладиган бирор бир катта тадбирни журналистлар иштирокисиз тасаввур этиш қийин. «Баркамол авлод» спорт мусобақаларини-ку, инчунун.

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида жойлашган матбуот марказининг муҳташам хонасида бўлиб ўтган дастлабки матбуот анжуманида айнан шу фикр таъкидланди. Бу йилги «Кичик олимпиада»ни оммавий ахборот воситаларида расман 160 дан ортиқ журналистлар ёритиб бориши қайд этилди. Қолаверса, бундай мусобақалар тарихида ilk бор ташкил этилган 10 кишидан иборат интернет гуруҳи махсус веб-сайтга ўзбек, рус ва инглиз тилларида кенг қамровли материаллар киритиб бораётди.

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида жойлашган матбуот марказининг муҳташам хонасида бўлиб ўтган дастлабки матбуот анжуманида айнан шу фикр таъкидланди. Бу йилги «Кичик олимпиада»ни оммавий ахборот воситаларида расман 160 дан ортиқ журналистлар ёритиб бориши қайд этилди. Қолаверса, бундай мусобақалар тарихида ilk бор ташкил этилган 10 кишидан иборат интернет гуруҳи махсус веб-сайтга ўзбек, рус ва инглиз тилларида кенг қамровли материаллар киритиб бораётди.

Анжуманда ўқувчи ва талаба ёшларининг жисмоний тарбияси ҳамда спортга жалб этишнинг уч босқичли узлуксиз тизими фақат бизнинг юртимиздагина мавжудлиги, бу тизим ҳар йили 7 миллионга яқин болани қамраб олиши эътироф этилди. Дастлаб 9 спорт тури

бўйича уюштирилган мазкур мусобақалар бугунги кунда 13 турни қамраб олгани, улар жаҳон андозалари, олимпия ўйинлари қоидалари бўйича ўтказилаётгани, мазкур беллашувлар шаклан ва мазмунан ривожланиб, тақомиллашиб бораётгани, бу гал ilk бор уларда олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари ҳам қатнашаётгани, қолаверса, мазкур бекиёс спорт тадбири билан танишиш учун вилоятимизга Осиё ўйинларининг 15 вакили таъриф буюрганига алоҳида ургу берилди.

### Мутахассислар фикри

#### Бундай имконият ҳеч қаерда йўқ

Исмоилжон АХМЕДОВ, волейбол бўйича Андижон терма жамоаси бош мураббийи:

— Сўнгги вақтларда юртимизда спорт ва жисмоний тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг ёрдамида имконияти «Баркамол авлод — 2005» спорт мусобақалари бўлиб ўтаётган Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу даргоҳда яратилган шарт-шароит, қулайлик, имкониятлар, барча қатори менда ҳам кучли ҳавас уйғотди. Мезбонлик масъулиятини чуқур ҳис қилган Тошкент вилояти мутасаддиларига ҳар қанча миннатдорчилик билдирилса, арзийди. Коллеж эшигиндан кириб келганларнинг ҳар бирига, ҳоҳ у спортчи бўлсин, ҳоҳ мураббий, алоҳида ҳурмат кўрсатилмоқда.

#### Мезбонларнинг муваффақиятига ишонаман

Хуррам АЗИЗОВ, Қашқадарё вилоятидан таъриф буюрган ҳакам:

— Тошкент вилояти терма жамоасининг имкониятларини ҳисобга олган рақиб қаттиқ янглишди. Улар сафида иқтидорли спортчилар жуда кўп. Айрим турларда вилоят терма жамоаси кўпдан буён юқори ўринларни ҳеч кимга бермай келмоқда. Йилдан-йилга янги номдор спортчилар келиб қўшилмоқда, натижалари ҳам юқорилаб бормоқда. Бу йил эса Тошкент вилояти вакилларининг мезбон сифатида янада муваффақиятли иштирок этишларига ишонаман.

#### «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг финал босқичини ўтказиш жадвали

№	Спорт тури	Ўтказиш мўздати	Кунлар	Ўтказиш жойлари	
1	Баскетбол	Ушмирлар 24-29 май	6	Тошкент аграр университети зали	
	Кизлар	24-29 май	6	Тошкент аграр университети зали	
2	Волейбол	Ушмирлар 24-29 май	6	«Семур» дам олиш болалар оромгоҳи спорт иншоотлари	
	Кизлар	24-29 май	6	«Семур» дам олиш болалар оромгоҳи спорт иншоотлари	
3	Миллий кураш	Ушмирлар ва кизлар	25-26 май	2	Оқунбобоев номидаги Республика тиббиёт коллежи
4	Белбоған кураш	Ушмирлар	27-28 май	2	Оқунбобоев номидаги Республика тиббиёт коллежи
5	Футбол	Ушмирлар	24-29 май	6	Чирчиқ «Кинг» ва Ҳазрат Марказий ўйингоҳлари
6	Енгил атлетика	Ушмирлар ва кизлар	25-27 май	3	Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт ўйингоҳи
7	Теннис	Ушмирлар ва кизлар	24-28 май	5	«Семур» дам олиш болалар оромгоҳи спорт иншоотлари
8	Сузиш	Ушмирлар ва кизлар	24-27 май	4	Чирчиқ олимпия захиралари коллежи сузиш ҳаваси
9	Қўл тўти	Ушмирлар	24-29 май	6	Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ташки ўйингоҳи
	Кизлар	24-29 май	6	Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт манежи	
10	Стул теннис	Ушмирлар ва кизлар	24-28 май	5	«Семур» дам олиш болалар оромгоҳи спорт иншоотлари
11	Бокс	Ушмирлар	24-28 май	5	Тошкент аграр университети зали
12	Шоҳмат	Ушмирлар ва кизлар	23-29 май	7	«Семур» дам олиш болалар оромгоҳи спорт иншоотлари
13	Балиқ гимнастика	Кизлар	26-28 май	3	Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт манежи

## МАСЛАК БИР, МАҚСАД БИР

Чирчиқ Олимпия захиралари спорт коллежи бугун том маънода гўзаллик, ёшлик, дўстлик шаҳарчасига айланган. Республикаимизнинг турли ҳудудларидан таъриф буюрган ўғил-қизлар мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаш учун астойдил курашиш билан бир вақтда кўплаб дўстлар орттиришмоқда. Бўш вақтларида эса ҳолис беллашувларда кўлга киритилган ютуқлари, ўзлари учун яратилган шарт-шароитлар, келажакдаги орзу-умидлари билан ўртоқлашишмоқда. Биз қўл тўти бўйича спортчи кизлар билан яқиндан танишиш мақсадида уларни суҳбатга тортдик.



Бўстонлик туманининг гўзал ва сўлим гўшаларидан бирида жойлашган «Семур» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёш авлоднинг мароқли ва мазмунли дам олиб, саломатлигини тиклаши учун яратилган ҳар томонлама мукамал шарт-шароитлар орттириш таъриф-таъсифга муҳтож эмас. Унинг доверуи аллақачон доvon ошиб, бутун республикага маълум ва машҳур бўлиб кетган.

Куни кеча зўр тантана билан бошланган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари муносабати билан болаларнинг бу севимли оромгоҳи бугун янада ўзгача қиёфа ва файзу тароват касб этди. Мамлакатнинг турли вилоятларидан спорт ўйинларида иштирок этиш учун таъриф буюрган 658 киши шу оромгоҳнинг ҳар жиҳатдан қулай қилиб жиҳозланган хоналарига жойлаштирилди. Уларнинг 588




нафари мусобақаларнинг бевосита қатнашчилари, қолган 70 нафари эса, мураббий ҳамда академик лицей ва касбухона коллежлари раҳбарларидир. Ушбу оромгоҳнинг мукамал таъмирланган спорт иншоотларида «Баркамол авлод — 2005» ўйинлари иштирокчилари спортнинг волейбол, катта теннис, стол теннис ва шахмат турлари бўйича мусобақалашмоқда. Бахсларни биринчи бўлиб, яъни 23 май куни шахматчилар бошлаб беришди. Куни кеча эса, спортчилар қолган турлар бўйича баҳсга киришдилар.

Оромгоҳнинг 70 нафарга яқин ходимлари кечаю кундуз спортчилар хизматида. 10 нафар малакали ошпаз, яна шунча умумий овқатланиш соҳасининг тажрибали мутахассислари аввало спортчи ёшлар, қолаверса, уларнинг мураббий ва устозлари кунига уч маҳал сифатли ва тўйимли таомлар билан овқатланиб, мусобақаларда яхши кайфият, кўтаринки руҳ билан қатнашиб, вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишлари учун пухта тайёргарлик кўришган.

Оромгоҳимизда спорт ўйинлари иштирокчилари учун махсус тайёрланган ошхонада бир йўла 800 киши бемалол овқатланиши мумкин, — дейди малакали ошпаз Равшан Жўраев. — Таомномамиз бўйича бир кишига кунига ўртача 4-4,5 минг сўмлик турли хил таом ва салатлар тайёрланмоқда.

Мусобақа қатнашчиларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиб туриш, беллашувлар жараёнида жараҳат олганларни зудлик билан даволаб, сафга қайтариш мақсадида махсус шифокорлар гуруҳи хизмат қилмоқда. Унинг таркибиде олиё тоифа врач ҳамда ўрта-махсус мала-

Лена УДИРЯКОВА, Тошкент вилояти терма жамоаси аъзоси: — Тўғриси айтсам, шу вақтгача ўзбек кизлари билан дўст тутинмаган эдим. Мана, кўриб турибсиз, мусобақа сабаб, улар билан анча қадрдон бўлиб қолдик. Улардаги ибод, ҳаё, латофат, табиий гўзаллик мени лол қолдирди. Ўз тенгдошига ҳурмат юзасидан «си»лаб гапиришлари ҳавас қиларли фазилатдир. Назар солсангиз, биз республикамизнинг турли вилоятлариданми, турли миллат вакилларимиз. Лекин «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бизни ягона куч сифатида бирлаштириб, бир мақсад сари йўналтира олди.



Шоҳиста АШИРОВА, Хоразм вилояти терма жамоаси аъзоси: — Хоразмдан йўлга чиққанганимизда, мени «У ерда бизни қандай кўриб олишаркин, кимлар билан учирашаркин, улар билан тезда тил топиша оламизми?» деган ҳадик чулғаб олган эди. Бу ерга келгач, барча фикрларим ўзгарди. Хаттоки, ўзим тасаввур қилмаган муҳитни кўриб қувондим. Хамма бир-бирига иззат-ҳурмат кўрсатиб, ёрдам беради, эркин, самимий мулоқотда бўлади. Сўзим сўнггида барча спортчи тенгдошларимга галаба тилаб қоламан.

кали тиббиёт хидматлари бор. Жумладан, Одил Тўлаганов, Овулбек Тошпўлатов олий тоифадаги жарроҳлардир. Тиббий қисмининг ҳар бири иккитадан ўринга эга бўлган иккита муолажа хонаси керакли замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Хозиргача 500 минг сўмлик зарур дори-дармонлар тайёрлаб қўйилди. Эҳтиёж сезилса, яна 300 минг сўмлик дори келтириш режалаштирилган.

Мусобақа қатнашчилари фойдаланишлари учун ўрнатилган иккита шаҳарлараро телефон ишлаб турипти. Шунингдек, иштирокчилар мусобақа ва машғулотлардан ҳоли вақтларини кўнглидагидек ўтказишларини таъминлаш мақсадида маданий-маърифий марказ ташкил этилган. Бой китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона ҳам ишлаб турибди.

Биз мураббийларнинг мақсадимиз ушбу мусобақалар жараёнида энг кучли ёшлардан Ўзбекистон терма жамоасини шакллантиришдир.

Кураш майдони мунтазир



Пойтахтмиздаги Йўлдош Оқунбобоев номи тиббиёт коллежи бугун байрамона безатилган. Чунки, бу йилги «Баркамол авлод» спорт мусобақалари таркибига киритилган миллий ва белбоғли кураш баҳслари айнан шу масканда бўлиб ўтади. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб қўйилди. Хусусан, спорт мажмуаси тўла таъмирланди ва замонавий спорт анжумани билан жиҳозланди. Жумладан, янги кураш гилами тўшалди, томошабинлар учун қулай ўриндиқлар ўрнатилди.

Ўқув масканининг ётоқхонаси ҳам 308 нафар курашчи ҳамда 26 нафар ҳакам ва мураббийлар ихтиёрида бўлади. 170 ўринга мулжалланган ошхона алақадон ўз хизматларини бошлади. Бу ерда 12 нафар ошпаз ва ёрдамчилар спортчиларга намунали хизмат қилишмоқда.

«Баркамол авлод» мусобақаларида кураш бўйича иккинчи мартаба бош ҳакамлик қилаётган, — дейди Олимжон Хайитов. — Бу йилги мусобақаларга тайёргарлик юқори даражада ташкил этилган. Бундай шароитда, ҳатто, Осиё чемпионати мусобақаларини ҳам бемалол ўтказиш мумкин.

Биз мураббийларнинг мақсадимиз ушбу мусобақалар жараёнида энг кучли ёшлардан Ўзбекистон терма жамоасини шакллантиришдир.

## ҲАММАСИ ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН

«Баркамол авлод» — бу шунчаки, спорт мусобақалари дейиш нотўғри. Зеро, уни кўпроқ «спорт ўйинлари» деб атаётгани бежиз эмас. Айтиш мумкинки, у Ўзбекистон спортининг буюк келажаклини таъминловчи ўсмир ўғил-қизларимизнинг ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган спорт байрамлари ҳамдир. Академик лицей ва касбухона коллежларида билим оловган ўсмирлар қарийб бир ҳафта давом этадиган ушбу тантанали маросимга ўзaro қизгин ва ҳолис беллашувлар жараёнида моданий-маърифий баркамоллик илминдан сабоқ оладилар, ахлоқ-одоб, меҳр-оқибат бобида бой таъриба тўплайдилар, кўплаб дўстлар орттирадилар.


Бу йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинларига мезбонлик қилишни ўз зиммасига олган Тошкент вилояти ҳокимлиги ва барча мутасаддилар ташкилотлар ушбу анъанавий байрам бошидан охиригача ҳар жиҳатдан намунали ўтиши учун зарур бўлган барча чораларни кўриб қўйди. Вилоятлардан таъриф буюрган иштирокчилар Тошкент темир йўл вокзалидаёқ нон-туз билан қўтиб олиниб, яшаш жойларига етказилди. Бунинг учун 50 та «Мерседес» ҳамда яна шунча «ЛАЗ» автобуслари махсус жиҳозланди. Уриндиқлар янги ва юмшоқ. Автобусларнинг ҳаммаси техник кўриқдан ўтказилган. Улар бутун спорт ўйинлари давомида иштирокчилар хизматида бўлади. Бунинг учун энг тажрибали хайдовчилар саралаб олинган. Айниқса, уларнинг бир хилдаги байрамона кийимда бўлишларига алоҳида эътибор

кўрилган. Қора шим, оқ кўйлак кийиб, бир хил бўйинбоғ такан хайдовчиларнинг ёш спортчиларни мусобақа ва машғулот майдонларига, дам олиш ва кўнгли очиб жойларига бир зумда ва ҳавф-хатарсиз элтиб қўётганларини қузатиш ҳақиқатдан ҳам мароқлидир.

Бир сўз билан айтганда, «Тошвилояттранс» худудий уюшмаси «Тошшаҳарўловчи-транс» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда спорт ўйинларини транспорт хизмати билан мукамал таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Мусобақа қатнашчиларининг сифатли ва тўйимли овқатланишларини вақтида ва узусилларсиз таъминлаш ҳисобидан алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Сархил озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришни ташкилотлар билан олдиндан шартномалар тузилган. Масалан, сут маҳсулотлари фақат Бўстонлик туманидан келтирилмоқда. Умуман, ёш спортчиларга мўлжалланган таомнамога 35 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари киритилган.

Бундан ташқари мусобақалар ҳамда «чигал ёзди» машғулотлари ўтказиладиган спорт иншоотларида дам олиш ва кўнгли очиб жойларига бир зумда ва ҳавф-хатарсиз элтиб қўётганларини қузатиш ҳақиқатдан ҳам мароқлидир.

Бундан ташқари мусобақалар ҳамда «чигал ёзди» машғулотлари ўтказиладиган спорт иншоотларида дам олиш ва кўнгли очиб жойларига бир зумда ва ҳавф-хатарсиз элтиб қўётганларини қузатиш ҳақиқатдан ҳам мароқлидир.



# СПОРТ ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ



## «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт иншоотларининг жойлашиш ЧИЗМАСИ



— Айтингчи, айти кунда сизнинг ва жамоа аъзоларининг кайфияти қандай?

— Асти сўраманг, бундай вақтда одамнинг қалбидан ўтаётган ҳис-туйғуларни, ҳаяжонни таърифлаш жуда қийин. 2001-2003 йилларда ушбу саволга бемалол жавоб берган бўлсам керак. Чунки, у вақтда биз меҳмон бўлиб беллашувларга киришган эдик. Бу йил эса ўзимиз мезбонимиз. Демак, шунга муносиб бўлишимиз зарур. Шогирдларимнинг кайфиятига келсак, улар ҳар доимгидан ҳам дадил, қатъиятли.

— Муваффақиятлар қалити бўлиши ўқув-йигин машғулоти, тайёргарлик жараёни қандай кечди?

— Тайёргарликни анча аввал бошлаганимиз. Жамоанинг ҳар бир аъзоси билан мустақил ишлаш, кунлик меъёрларни босқичма-босқич ошириб бориш, овқатланиш тартибини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Тўғри, йигин машғулотида катор кийинчиликлар туғилди. Шугулганимиз учун спорт залининг йўқлиги, инвентарларнинг таъшиқотиликлар томонидан вақтда Берилмаганлиги машғулотларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Лекин Олег Ким,

Мамлакатни жаҳонга танитишда спортнинг ўрни алоҳидалиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис юртимизда жисмоний тарбия ва спортга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон спорт тарихида салмоқли ютуқларга эришилди. Юртбошимиз ташаббуси билан ёшларни узлуксиз спортга жалб этиш мақсадида яратилган уч бўғинли тизим ўз мазмун-моҳияти билан қимматлидир. Айти дамларда вилоятимиз ушбу тизим таркибига кирувчи «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига мезбонлик қилишни бошлаб юборди. Шундай масъуляти ва ҳаяжонли кунда биз енгил атлетика бўйича Терма жамоамиз бош мураббийи Владимир Смирнов билан суҳбатда бўлдик.

киши) ҳамда Бекобод шаҳарларидаги коллежлар (3 киши) фаоллик кўрсатишди. Жамоа таркиби 20 кишидан иборат бўлиб, 13 нафари ўғил, 7 нафари қиз болалардир. Улар асосан 1986-1989 йилларда туғилган йигит-қизлар.

ушбу мусобақада вакилимиз кросс югуриш бўйича 71-ўринни эгаллади. Бу нафақат вилоятимиз, балки республика жамоатчилиги гуруҳланса арзийдиган ютуқдир. Бундан ташқари, Алёна Костричина, Галина Блаева, Федор Мулаянов, Елена Дьяконова каби иқтидорли спортчиларимиз ҳам «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида иккинчи марта иштирок этмоқда. Илгиз Мелибоев 100 ва 200 метрга югуриш ҳадисини олган бўлса, Валентина Макарова 1500 метр ва 3 километрга супермарафонларда «Марфон гузали» унвонига сазовор бўлган.

## АНЪАНАГА СОДИҚ ҚОЛАМИЗ,

— дейди енгил атлетика бўйича вилоят терма жамоаси бош мураббийи Владимир Смирнов.



Анатолий Ищенко, Виктор Ессе, Миравоз Мирсоидиков каби мураббийлар бор экан, бу муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилдик. Ушбу тўрт нафар мураббий билан кунига икки-уч маҳалдан машғулотлар олиб боришга ҳаракат қилдик. Ҳам руҳан, ҳам жисмонан пухта тайёргарлик кўрган спортчиларимиз вилоятимиз

медаллар шодасини тўлдиршига астойдил бел боғлашган.

— Терма жамоа таркиби билан таништирсангиз, қайси шогирдларизга кўпроқ умид қилас бўлади?

— Жамоани кучли, иқтидорли ўғил-қизлар билан тўлдиршида Ангрн (5 киши), Чирчиқ (6 киши), Олмалик (2

тиб, шоҳсупага кўтарилишган. Жамоамизнинг фахри бўлган Андрей Петров бу йил иккинчи марта «Баркамол авлод»чилар сафида. Газетхонларга янгилик сифатида айтиб ўтишимиз мумкин, шу йилнинг март ойида Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этиб қайтди. Дунёнинг барча мамлакатлари иштирок этган

— Кутилаётган натижа...

— Кўпчиликнинг хабари бор, 2001 йил Жиззахда, 2003 йил Андижонда бўлиб ўтган мусобақаларда енгил атлетикачиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашган эди. Бу йил ҳам ана шу голибона одимни давом эттириб, фақат ва фақат биринчи ўринни эгаллашни ният қилганимиз. 24 та йўналиш бўйича ўтайдиган баҳслар спортчиларимизга галаба келтиришига ишонамиз.

— Қайси жамоаларни муносиб рақиб дея оласиз?

— Бу масалада бир нарса дейиш қийин. Чунки, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар жамоалари таркиби йилдан-йилга иқтидорли спортчилар ҳисобига бойиб бормоқда. Беш йилдан буён уларнинг ҳар бири «Баркамол авлод» ўйинларида иштирок этиш тактикасини ўзлаштириб келишяпти. Лекин тан олиш кераки, Самарқанд, Андижон, Фарғона вилоятлари жамоаларида ҳам анчайин тажрибага эга, кучли спортчилар борлигини эътибордан қочирмаслик керак.

### ● Даствлабки натижалар



## Бокс ГОЛИБНИНГ ИЛК ГАЛАБАСИ

Тошкент Давлат аграр университети спорт мажмуаси рингида ўтган бокс мусобақалари айниқса, қизқарчи кечди. Унда 48, 51 ҳамда 75 килограмм вази тоифаси бўйича иштирокчилар майдонга чиқдилар.

Мазкур йўналишда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишга отланган ёш чарм қўқоқ усталарига мураббийлар катта ишонч билдиришган. Мутахассислар эса, уларнинг имкониятларини юқори баҳолаган эдилар.

— Шогирдларимиз мусобақаларга жиддий тайёргарлик ва синовлардан муваффақиятли ўтишди, — дейди бокс бўйича мураббий Ганижон Юсупов. — Саккиз вази тоифаси бўйича рингга чиқадиغان вакилларимизнинг барчаси юқори натижаларни қайд этишни қатъий мақсад қилишган.

### Баскетбол

Кеча Тошкент Давлат аграр университетининг спорт залида баскетбол бўйича мусобақаларга старт берилди. Ўғил болалар жамоалари ўртасида кечган баҳсларда вилоятимиз вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси билан куч синашишди.

## ҚИЗЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛМАДИ

Баскетболчиларимиз илк мусобақани кўтаринки кайфиятда, ҳужумкор руҳда бошладилар. Аммо, кетма-кет ҳужумларнинг аксариятини маромига етказишда вакилларимиздан омад юз ўғирди. Тезкор қарши ҳужумлардан унумли фойдаланган рақиб жамоа илк учрашувда 71:50 ҳисобида галабани қўлга киритди.

Қолган ўйинларда куйидаги натижалар қайд этилди:

Сурхондарё — Фарғона — 26:88; Тошкент — Сирдарё — 108:18; Навоий — Бухоро — 68:77; Наманган — Хоразм — 77:43; Самарқанд — Жиззах — 107:27.

Шунингдек, баскетбол бўйича қизлар жамоалари ўртасидаги мусобақалар ҳам мубоқил равишда ўтказилди. Сирдарёликлар билан баҳсга киришган вилоятимиз қизлари 47:27 ҳисобида зафар қозондилар. Тезкор ўйин намойиш этган вакилларимиз мусобақа давомида кўп ҳолларда рақибларидан бир мунча устунликка эришганларини таъкидлаш жоиз.

Қизлар ўртасидаги баҳслар якунига кўра даствлабки натижалар куйидагича тус олди:

Самарқанд — Фарғона — 64:42; Наманган — Сурхондарё — 50:25; Қорақалпоғистон Республикаси — Навоий — 74:30; Қашқадарё — Хоразм — 47:59; Тошкент — Жиззах — 82:27.

Баскетбол баҳслари бугун давом этади. Унда илк учрашувда мағлубият аламини торган вилоятимиз ўсмирлари Наманганнинг тенгдошлари билан майдонга тушишса, қизлар жамоаси Хоразм вилояти вакиллари билан қабул қиладилар.

### Кўла тўпи

## ТАШАББУС ТАРАФИДА

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мазкур спорт турида иштирок этувчи вилоятимиз терма жамоаси олтин медалларга асосий давгоғлардан саналишади. Қизларимиз мамлакат чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, муддатидан аввал кумуш медалларни нақд қилишгани ҳам сўзимиз исботидир. Улар Бухоро, Сирдарё ҳамда Хоразм жамоалари билан бир гуруҳдан жой олишган.

— Республика биринчилиги қизларимиз учун ўзига хос маҳорат мактабини ўтади, — деди учрашувдан аввал терма жамоа устози Владимир Мўминов. — Даствлабки учрашувни хоразмликларга қарши ўтказамиз. Ўйлаيمانки, шогирдларим кўп сонли муқимларнинг ишончини оқлашади.

Дарҳақиқат, кўла тўпи бўйича вилоятимиз терма жамоаси биринчи ўйиндаёқ хоразмлик рақиблари устидан йирик ҳисобда галаба қозонишди. Таблода порлаб турган 33:5 натижаси ҳам шундан дарак беради. Айниқса, Алина Сухоплясова саккиз марта дарвозани ишғол этиб, ишқибозлар олқишига сазовор бўлди. Вакилларимиз иккинчи баҳси эртага Сирдарё термасига қарши ўтказишди.

Ўсмирларимиз эса Тошкент шаҳри, Сурхондарё ҳамда Навоий вилоятларидан ташриф

## ВАКИЛЛАРИМИЗ

Чирчиқдаги Олимпия заҳиралари коллежининг спорт манежи эрта тонгдан «Баркамол авлод - 2005» мусобақалари қатнашчилари ва муҳлислари билан гап-гап бўлди. Муқобили жихатидан республикамизда ягона саналган иншоотда ўсмирлар ва қизлар ўртасида кўла тўпи бўйича мусобақалар бошланди.



Буорган ёш спортчилар билан бир гуруҳда беллашувларга киришишди. Улар даствлабки ўйини сурхондарёлик тенқурларига қарши ўтказишди ва бу учрашув мурасоси курашларга бойлиги билан томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ўйиннинг биринчи бўлими вилоятимиз ўсмирларининг ташаббуслари остида ўтганига қарамай, Сурхондарё терма жамоаси аъзолари ҳам тез-тез ҳавфли ҳужумлар уюштириб туришди. Шундай бўлса-да, омад қучиларига кулиб боқди ва ҳақамлар мусобақа мезбонла-

рининг 29:24 ҳисобидаги галабасини қайд этидилар.

— Илк учрашувда қўлга киритилган галаба навбатдаги баҳсларда муваффақиятли қатнашувимизга пойдевор қуйишига ишонман, — деди терма жамоамиз мураббийи Мирослав Зорич. — 2-турда гуруҳдаги асосий рақибларимиздан бири бўлган Тошкент шаҳри ўсмирларига қарши майдонга чиқамиз. Ўйлаيمانки, шогирдларим эртага ҳам бугунгидек шижоатли ва ҳужумкор ўйин намойиш этиб, мезбонларга хос галабали одимларини давом эттиришади.

50 метрга брасс усулида сузишда қизларимиз яхши натижаларга эриша оlishидади. Ўсмирлар ўртасида кечган беллашувларда вакилимиз Александр Цой 31,5 секунд билан биринчи ўринни эгаллади.

### Шахмат

## ЧЕМПИОНЛАРГА ХОС ДЕБОЧА

«Баркамол авлод - 2005» мусобақаларини кузатаётган томошабинлар ҳамда турнирни ёритётган матбуот ходимлари вилоятимиз спортчилари қайд этган натижаларни юқори баҳолашмоқда. Вакилларимиз барча баҳсларда ўзларини кўрсатиб, кетма-кет галабаларни қўлга киритишяпти.

Жумладан, шахматчиларимизнинг ишончли ўйинлари анчадан буён ватандошларимиз тилига тушган. Андижонда ўтган 2003 йилги «Баркамол авлод» ўйинларида олтин медалларни қўлга киритган ҳамда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга кўтарилган вилоятимиз терма жамоаси аъзолари бу йилги турнир арафасида ҳам фақат юқори ўринлар учун курашишга ваъда беришган эди. Шахматчиларимиз 1-турдаёқ сузларининг устидан чиқиди.

Наманган вилояти терма жамоасига қарши баҳс олиб

## ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРИШМАДИ

«Семур» болалар оромгоҳида волейбол бўйича совет 8.00 да бошланган мусобақалар 16.00 га қадар давом этди. Биринчи бўлиб майдонга Сирдарё ва Сурхондарё ўсмирлари тушишди. Ҳар томонлама тайёргарлик кўрган сурхондарёлик йигитлар рақибларини 3:0 ҳисобида енгишди.

Наманганлик волейболчилар ҳам самарқандлик тенгдошларини худди шундай ҳисоб билан мағлуб этишди. Вилоятимиз вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоасига қарши ўйинда ташаббусни ўз қўлларига олиб, 3:2 ҳисобида зафар қучдилар.

Қизлар баҳси ҳам кутилганидан қизгин ўтди. Бири-бириндан эгилч, чаққон қизлар бир дақиқа бўлсада, имкониятни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилишди.

Наманган — Сирдарё, Самарқанд — Сурхондарё жамоалари учрашуви 3:0 ва 0:3 ҳисобида якунланди. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республи-

### Сузиш

## ШОҲСУПАДА ИККИНЧИ

Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи сузиш ҳавасида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари таркибига киритилган сузиш мусобақалари ўзига хос кўтаринки кайфиятда бошланди. Қўллаб мусобақаларда иштирок этиб, отарли тажриба ва маҳорат орттирган умидли спортчиларнинг иштирок этиши беллашувларнинг қизгин кечишига замин яратди.

— Жамоамиз таркиби 16 кишидан иборат бўлиб, улардан 10 нафари ўғил болалар, 6 нафари қизлардир, — деди сузиш бўйича вилоятимиз терма жамоаси бош мураббийи Людмила Марченко. — Улардан Александр Смолов ҳамда Николай Таварбеков ушбу мусобақаларда иккинчи бор иштирок этишмоқда. 2003 йили Андижонда бўлиб ўтган мусобақаларда сузувчиларимиз умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллашган эди. Бу йил эса, совринли ўринларни мўлжаллаётимиз.

Шундай қилиб, биринчи кунги беллашувларнинг якуний натижалари аниқланди. Эътиборлиси шундаки, спортчилар орасида рекорд ўрнатгани ҳам бор. Тошкент шаҳри вакили Евгений Ливенко 50 метрга чалқанча сузиш бўйича 32,4 секунд натижа кўрсатиб, биринчи бўлиб марра чизиниға өтёб келди. Фахрли иккинчи ўринни вилоятимиз вакиласи Зумрад Бобоева эгаллади. Кейинги ўрин Наманганлик Илмира Содиковлага насиб этди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда пойтахтлик ёшлар Дилшод Расулов (30,2 секунд), Юрий Буситин (30,4) ҳамда вилоятимиз шаҳрафини ҳимоя қилган Дмитрий Бата-

«Баркамол авлод - 2005» спорт ўйинларига бағишланган материалларни «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳбирлари Шероф ШУҲРАТОВ, Хуршида НАЗАРОВА, Абдусамид ЙҮЛДОНОВ, Райғат ШЕРРАЛИЕВ ва Даврон АҲМЕДОВ, Ерсебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлашди.

### «ЖАЙРОН ИЗИДАН – 2005»

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг болалар туризми ва ўлкашунослиги Тошкент маркази ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Жайрон» экомаркази билан биргаликда «Жайрон изидан – 2005» экспедициясини ташкил этди.

Тошкент вилоятининг экология, этнография, журналистика йўналиши бўйича фаолият олиб борушчи «Эдельвейс», «Хаёт», «Она замин дўстлари» клуби аъзолари ва табиат фидойилари сафарга чиқишди. Экспедиция раҳбари Леонид Козловскийнинг сўзига кўра, улар сафар давомида хайвонот дунёсининг ноёб турлари ҳақида маълумот тўплайдилар. Йўқолиб кет...

тиши мумкин бўлган жониворларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришни режасини тузишади. Шунингдек, лойиҳа доирасида мактаб ўқувчиларини чул ҳудуддаги табиат бойликлари ва гўзаллигини асрашга ўргатувчи саёхат йўналиши ишлаб чиқилади.

**А. ҚУДРАТОВ,**  
«Туркистон-пресс».

### ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг шахар кенгашлари ташаббуси билан Оҳангарон шахридаги «Хонобод» дам олиш ва истироҳат боғида Андижонда рўй берган муҳим воқеага бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда ижодкор ёшлар ўзларининг Ватанини мадҳ этувчи ижод намуналарини намойиш этдилар. Шунингдек, ёшлар ҳаракати ҳўмилигидаги «Камалак» болалар ташкилоти сардорлар кенгаши аъзолари қизиқарли ўйинлар ташкил этишди.

**Лазизхон ҲАСАНОВ.**

### Маданият хабарлари

### ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ ЯКУНЛАНДИ

Тоғли Бойсун дёбрида шу йилнинг 18-22 май кунлари бўлиб ўтган «Бойсун баҳори» халқаро очик фольклор фестивали якунланди. Халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган, жаҳондаги инсоният номодий мероси дурдоналарини сақлаб қолган ва ривожлантириётган дёблада утаси бу анжуман ҳақиқий санъат байрамига айланган.

Республикамазмининг барча вилоятларида ва қўшни мамлакатлардан ташриф буюрган баҳми-шонлар ва оқинларнинг дoston, терма айтылувлари томошбабиларнинг оқшарига сазовор бўлди. Халқ тафаккурининг махсули бўлган оғзаки ижод намуналаридан ҳайфта муҳаббат, оозлик учун кураш, ёга қарши қар-қазаб, ёғу кунлардан шукроналик туйғулари, тadbиркорлик ва донолик фазилатлари таъсирчан оханларда ифода этилган.

Ҳайат қарорига кўра, кўриктановда иштирок этган барча фольклор ва фольклор-этнографик дасталар фестивал лавураати бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Фарғона, Хоразм, Сирдарё ва Сурхондарёдан келган баҳишчилар чикиши, айниқса Сариосиё туманининг «Дашнобод анорлари» фольклор дастаси, сирдарёлик 11 ёшли Камола Пардаева ижро этган кўшиқлар юқори баҳоланди. Фестивал меҳмонлари республикада таникли «Бойсун», «Курал» фольклор-этнографик халқ дасталари, мусика мактабининг «Улғучча» дастаси фольклор санъатининг юксак намуналарини ижро этишди.

### Шундан кейин

#### ЯНГИ-ЭСКИ АРАЛАШ

Daimeg бошқаруви ҳамда Россия ҳукумати раҳбарияти компаниянинг Россияда Mercedes Benz автомобилларини йиғиш ва чикаришни бошлаш ҳақидаги режаларини муҳоама қилдилар. Дастлабки «мерседеслар» Санкт-Петербургда 2005 йилнинг кузида конвейердан чикарилади. Бундан ташқари, Америка-Германия корҳонаси бу мамлакатда муқаддам фойдаланилган «мерседес»ларни сотуваги чикариш ниятида эканлигини ҳам аввалроқ маълум қилганди.

#### НОМАЪКУЛ КЎРСАТУВ

Телевизион кўрсатувларнинг баъзилари тобора беҳаё бўлиб бораётгани кўпчилигининг гаши-ни келтиради. Москва шаҳри думаси депутатлари «Дом-2» теледастурини Жинзот Кодекси ва Миллий хавфсизлик концепциясини бузётганлиқда айбландилар. Улар Россия бош прокурори номига йўллаган очик хатда мазкур шоуни олиб борушни Ксения Собчак хатти-ҳаракатларини маънавий бузуқликка даъват ва қўшмачилик сифатида баҳолаб, кўрсатувини ёпишни талаб қилишди.

#### НОСОЗЛИКНИ ҚОЧИБ

Парвози июлнинг иккинчи ярмига мўлжалланган Discovery шатли яна қайта йиғилимоқда. NASA муҳандислари унинг ташқи ёниги баки ва қаттиққилигли ракеталарини «Atlantis» фазо кемасига «мансуб» шундай ускуналар билан алмаширишга аҳд қилдилади. Носоз ёқули идишлари шаттларнинг аввалги халокатларига сабаб бўлганди.

#### МЕНСИЛМАГАН ВИРУС

АҚШда бошқа бировнинг тана аъзолари кўчириб қўйилган тўрт микознинг ўтаси кемирувчиларга хос вирус касаллиги — лимфоцитар хориоменитгидан ҳалок бўлди. Бу аъзоларнинг бари бир донордан олинган эди. Инсоннинг LCMVга таъбирчанлиги ҳуда наст эканлиги боис, у донор аъзоларининг лабораторияда мажбурий тadbик этиладиган вируслари рўйхатида кирмайди.

#### ҚАХРАМОН НИҚОБИДАН

Дарт Вейдер либосини киийиб олган одам Иллинойе шаттидаги кинотеатрлардан бирида ўриллик содир этди. «Самовий урушлар» фильми бош қахрамонларидан бири ниқобидаги бу номаълум кимса кинотеатрга шитоб билан кириб, кассадаги пуллари чангалланганича шу яқин атрофда жойлашган ўрмонга ўзини урди. Ҳўрининг кимлиги ҳақида полиция ҳозирча бирор нарса дёблмайпти.

### ЮРТИМИЗ БОҒЛАРИ ВА ЭКОТУРИЗМ

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «5-июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб» «Ўзбекистон миллий боғлари, экотуризм ва барқарор ривожланиш» мавзусидаги тематик кўргазма ташкил этилмоқда. «Экосан» халқаро ташкилотига мазкур кўргазмани ўтказишга бағишланган ташкилий кўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазма Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги ва масалалари ва экология қўмитаси ҳамда «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг муҳофаза этилавланган табиий ҳудудларининг ноёблиги ва бетақорлиги, уларни ҳозирги ва келажак авлод учун асраб-авайлаш нақадар муҳимлиги ҳақида ақолини, шунингдек, республикамиздаги турли идораларнинг ҳабардорлигини ошириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Шу мақсадда ташкил этилаётган кўргазмада мамлакатимиз ҳудудидаги барча қўриқона ва миллий боғлар ўзларининг экспозициялари билан иштирок этади. Унда вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар, олий ўқув юртлари талабалари, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўриқланаётган табиий ҳудудлар, миллий боғлар, давлат бюортема қўриқоналари, табиат ёдгорликлари билан яқиндан танишиш имкони яратилган.

Кўргазма 2 июндан — 5 июнгача давом этади. Голбилар ташкилотчилар томонидан махус сувгалар ва дипломлар билан тақдирланади.

**Алюддин ҒАФФОРОВ,**  
«Туркистон-пресс».

### Маънавият сабоқлари

Камина мактабда ўқиборганимда ҳам, олий илмоқда тахсил олганимда ҳам адабимнинг равақига улкан улш кўшган муҳир ҳикоянави Абдулла Қаҳҳор асарларини алоҳида завқ билан мутлола қилардим.

Ўзбекистон халқ ёзувчисининг бундан 37 йил муқаддам матбуотда «Уят» номли мақоласи чоп этилиб, катта шовшувга сабаб бўлганди. Ҳар қандай асар ёки мақолани ўқиш бошқа, муаллиф оғзидан эшитиш бошқа... Устоз Абдулла Қаҳҳор ўша машҳур мақоласини телевидорда қойилмақом қилиб ўқиборганди. Ундан кўзланган асосий мақсад ҳамюртларимизни ҳушёрликка, одоб-ахлоққа, маънавияти ва қомил инсон бўлишга чақиртирди.

Адибнинг уят туйғуси инсон одобидаги, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни — аҳамияти ҳақида ўта кўпиниб ёзгани бугунги кунимизда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган. Айни пайтда ҳам ҳаёли, одоб-ахлоқли, маданиятли, маънавиятли бўлиш инсондаги энг юксак фазилатлардир.

Шаҳар ва қишлоқларимиз кўча-кўйларидан, жамоат жойларидан, давраву йиғилишлардаги суҳбатларда ҳаёли, одобли, ахлоқли йигит-қизларни кўрсак ич-ичимиздан қувонамиз, уларга ҳавас билан боқамиз ва беҳиштиёр ушаларининг ота-онасига, устозларига балли деймиз. Унинг акси бўлса-чи? Бундай холатга тушганимизда ёки яримланғоч, киндиги очик юрганларни ногихимиз тушганида «афсус ёшлиқ, афсус умр» деб ачинамиз. Хатто, бу ёшларнинг ота-онаси, ака-укалари, маҳаллодошлари йўқимкин деган саволлар кўндаланг бўлади. Чунки бизда қадимий шарқона қадриятлар, миллий анъаналар ва эътиқод доимо ҳамма нарсадан устун бўлиб келган.

Муस्ताқиллик шарофати билан маънавий баркамоллик, инсон тарбиясини янада яхшилашга қаратилган фармонлар ва қарорлар, амалий саъй-ҳаракатлар чинакам инсонпарвар сиёсатнинг ёркин намунасига айланиб бормоқда. Уят ва ҳаё тушунчаси билан уйғунлашган маънавий баркамоллик туйғуси одамларни эзулик кўчасига етаклайди. Республикаимизда маънавият ва маърифат марказининг ташкил этилиши, шунингдек, бу марказнинг вилоят, шаҳар, туман ва маҳалла кўмиталарида барпо этилиши айни муддао бўлди. Кейинги пайтларда мактабларнинг ўқув дастурларига инсон маънавиятига бағишланган янги фанлар кўшили-

сонпарвар сиёсатнинг ёркин намунасига айланиб бормоқда. Уят ва ҳаё тушунчаси билан уйғунлашган маънавий баркамоллик туйғуси одамларни эзулик кўчасига етаклайди.

Республикаимизда маънавият ва маърифат марказининг ташкил этилиши, шунингдек, бу марказнинг вилоят, шаҳар, туман ва маҳалла кўмиталарида барпо этилиши айни муддао бўлди. Кейинги пайтларда мактабларнинг ўқув дастурларига инсон маънавиятига бағишланган янги фанлар кўшили-

май, ҳакингишдан «уриб» қолаётган ҳаёсиз сотувчиларни, чет эл киноларини қўравери, қайнота-қайнона билан барабар айтишадиغان, эрига қўй қўтариб, айюханнос соладиган келинларни қўрди. Бундайлардан Худонинг ўзи асрасин! Уларга насиҳат қилиб, уят бўлади, десангиз, сизга «ақл» ўргатади.

Ҳаё инсонийлик кўрки экан, у жинсидан, лавозимию амалдан қатъи назар ҳар қандай одамни шарафлайди. Буни бир зум ҳам унуттишга ҳаққимиз йўқ. Чунки ҳаё энг гўзал туйғудир.

Ер юзидеги барча жонзотлар орасида олий маъвудот — инсон муътабар қилиб яратилган ва унга ҳаё туйғуси ато этилган. Демак, одам аввало ташқи кифаси, юриш-туриши, гап-сўзлари, муомаласи билан бошқа жонзотлардан яққол ажралиб туради, ўзгалар назарига тушади ва эъозланади. Буларнинг барчаси ҳаё туйғуси ва ҳаё гўзаллиги билан уйғунлашиб кетса, нур устига аъло нур бўлур эди. Биз, кексаларнинг тилғимиз ҳам, муроду мақсодимиз ҳам шу.

**Тиллабек МИРЗААХМЕДОВ,**  
меҳнат фаҳрийси.

уялиш, тортинчоқлик, ор-номус, андишаллик ва бошқалар маълум маънода ҳаёнинг кўринишларидан ҳисобланади. Бозорларда, одамлар гавжум жойларда бўлсангиз, баъзи ҳаёсиз, маданиятсиз, алламбало кийимдагиларга дуч келиб, дилингиз ўз-ўзидан оғрийд.

Менимча, ёшларни ҳаёли, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашда матбуотнинг, радио, телевидениенининг ўрни, айниқса, салмоқлидир. Минг афсуслар бўлсинки, телевидение каналларида берилаётган беҳаё хорижий фильмлар, баъзи суҳандонларимизнинг кийиниши, радио тўлкинларидан таралаётган («FM» радиоканаллари) лутфиз нутқлар миллийликка ётди. Бу эса истаимизим-ийўқми, ёшлар тарбиясига жиддий салбий таъсир этиши мумкин.

Бозорларда уялмай-нетмай, ҳакингишдан «уриб» қолаётган ҳаёсиз сотувчиларни, чет эл киноларини қўравери, қайнота-қайнона билан барабар айтишадиغان, эрига қўй қўтариб, айюханнос соладиган келинларни қўрди. Бундайлардан Худонинг ўзи асрасин! Уларга насиҳат қилиб, уят бўлади, десангиз, сизга «ақл» ўргатади.

Ҳаё инсонийлик кўрки экан, у жинсидан, лавозимию амалдан қатъи назар ҳар қандай одамни шарафлайди. Буни бир зум ҳам унуттишга ҳаққимиз йўқ. Чунки ҳаё энг гўзал туйғудир.

Ер юзидеги барча жонзотлар орасида олий маъвудот — инсон муътабар қилиб яратилган ва унга ҳаё туйғуси ато этилган. Демак, одам аввало ташқи кифаси, юриш-туриши, гап-сўзлари, муомаласи билан бошқа жонзотлардан яққол ажралиб туради, ўзгалар назарига тушади ва эъозланади. Буларнинг барчаси ҳаё туйғуси ва ҳаё гўзаллиги билан уйғунлашиб кетса, нур устига аъло нур бўлур эди. Биз, кексаларнинг тилғимиз ҳам, муроду мақсодимиз ҳам шу.

**Тиллабек МИРЗААХМЕДОВ,**  
меҳнат фаҳрийси.

### Футбол

### МАҒЛУБИЯТНИНГ ОХИРИ КЎРИНМАЯПТИ

Футбол бўйича мамлакат ўн тўртинчи миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари навбатдаги сақкизинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Вилотиимиз шарофини ҳимоя қилаётган Бекободнинг «Металлург» жамоаси Сариосиёда «Тўпапангага қарши баҳс юрптиди.

Учрашу давомида майлонда устунлик қилган меҳонлар «Металлург» дарвозасини 4 бор ишғол этдилар. Вақилларимиз эса, икки марта 11 метрилик жарима тўли билан жавоб бердилар — 4:2.

«Металлург» чемпионатида 7 та ўйин ўтказиб, бештасида майдондан бош эгиб чиқди. Икки очко билан жаҳалда ўн учинчи ўринни банд этиб турибди.

Қолган ўйинларда қўйидаги натижалар қайд этилди: «Пах-

### Футбол

### МАҒЛУБИЯТНИНГ ОХИРИ КЎРИНМАЯПТИ

Футбол бўйича мамлакат ўн тўртинчи миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари навбатдаги сақкизинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Вилотиимиз шарофини ҳимоя қилаётган Бекободнинг «Металлург» жамоаси Сариосиёда «Тўпапангага қарши баҳс юрптиди.

Учрашу давомида майлонда устунлик қилган меҳонлар «Металлург» дарвозасини 4 бор ишғол этдилар. Вақилларимиз эса, икки марта 11 метрилик жарима тўли билан жавоб бердилар — 4:2.

«Металлург» чемпионатида 7 та ўйин ўтказиб, бештасида майдондан бош эгиб чиқди. Икки очко билан жаҳалда ўн учинчи ўринни банд этиб турибди.

Қолган ўйинларда қўйидаги натижалар қайд этилди: «Пах-

### Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уйда жойлашган «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинги»

### холдинг компанияси ОАЖ акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2005 йил 24 июнь кунни соат 11.00 да холдинг компанияси мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Кузатув кенгаши раисининг 2004 йил якунлари тўғрисида ҳисоботи.
2. «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясини бошқарувининг 2004 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ва компаниянинг 2005 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.
3. Холдинг компаниясининг низомига ва ички низомига ўзгартиришлар киритиш.
4. «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясининг 2004 йилги бухгалтерлик баланси, фойда, зарарларни ҳамда компаниянинг 2005 йилги ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш.
5. Олинган фойдан тақсимлаш тўғрисида.
6. Қимматли қозғалар бўйича 2 ЦБ шаклидаги 2004 йил ҳисоботини тасдиқлаш.
7. «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясининг 2004 йилдаги фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
8. «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясининг 2004 йилдаги фаолияти бўйича ташқи аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.
9. «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» ОАЖ компаниясининг 2005 йилги ташқи аудиторини тасдиқлаш.
10. Кузатув кенгашини қайта сайлаш.
11. Кузатув кенгашини қайта сайлаш ва улар билан ишга ёллаш шартномасини бир йилга тузиш.
12. Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш.

**Умумий йиғилишни ўтказишга доир ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзилга муурожаат қилишингиз мумкин:**  
Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел.: 144-49-93, 144-49-96.  
**Кузатув кенгаши.**

### АООТ «Таштранспецстрой» ивзещает о проведениии годового общего собрания акционероов, которое состоится 24 июня в 15.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Сугалли Ота, 3.

**Повестка дня:**

1. Об утверждении регламента и счетной комиссии.
2. Отчет директора АООТ «Таштранспецстрой» о результатах финансово-хозяйственной деятельности за 2004 год.
3. Отчет ДХО.
4. Отчет ревизионной комиссии о проделанной работе и итогах аудиторской проверки финансовой деятельности предприятия.
5. Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, отчета о прибылях и убытках.
6. Отчет председателя наблюдательного совета по итогам 2004 года.
7. Распределение прибыли.
8. Утверждение бизнес-плана на 2005 год.
9. О продлении на 2005 год или прекращении договора найма с директором АООТ «Таштранспецстрой».
10. Выборы состава наблюдательного совета.
11. Выборы ревизионной комиссии.
12. Об утверждении аудиторской организации на 2005 год и размера оплаты ее услуг.
13. Увеличение уставного фонда акционерного общества и утверждение устава общества в новой редакции.
14. Разное.

### Бухгалтерский баланс по состоянию на 1 января 2005 года

Актив	тыс. сум	Пассив	тыс. сум
<b>I. Долгосрочные активы</b>	<b>288 068</b>	<b>I. Источники собственных средств</b>	<b>257 410</b>
Остаточная стоимость основных средств	164 461	Уставный капитал	36 992
Долгосрочные инвестиции	118 407	Добавленный капитал	140 791
Оборудование к установке	5 200	Резервный капитал	100 524
<b>II. Текущие активы</b>	<b>233 046</b>	Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток)	-20 897
Производственные запасы	32 678	<b>II. Обязательства</b>	<b>263 704</b>
Расходы будущих периодов	13 703	Долгосрочные обязательства	60 274
Дебиторы	186 665	Текущие обязательства	203 430
<b>Всего по активу баланса</b>	<b>521 114</b>	<b>Всего по пассиву баланса</b>	<b>521 114</b>

### Финансовый результат за 2004 год (тыс. сум)

1. Чистая выручка от реализации продукции	256 785
2. Себестоимость реализованной продукции	211 750
3. Расходы периода	84 083
4. Прочие доходы от основной деятельности	42 307
5. Прибыль от общехозяйственной деятельности	3 374
6. Чистая прибыль отчетного периода	2 485

Аудиторское заключение подготовлено независимой аудиторской фирмой ООО «Аудит-ВАРН», лицензия Министерства финансов РУз от 23.08.2001 года № 00172. Слосок акционероов, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционероов, составлен на 25 мая 2005 года. С информативной, подлежащей представлению акционероов при подготовке годового общего собрания, акционероов могут ознакомиться в АООТ «Таштранспецстрой».

**Наблюдательный совет АООТ «Таштранспецстрой».**

**ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ**  
**ТАШМЕНТСКАЯ ПРАВДА**

**Муассис:**  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**вазифасини бажарувчи**  
**Убайдулла**  
**АБДУШОҲИДОВ**

**Шлефонлар:**  
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

**Манзилимиз:**  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридеги Матбуот ва ақборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
**Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифоланди.**

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.